

Х.С.АСАТУЛЛАЕВ З.Г.АЛЛАБЕРГАНОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
КЛАСТЕР ТИЗИМИ ОРҚАЛИ
АГРОСАНОАТ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ



ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Х.С. АСАТУЛЛАЕВ, З.Г. АЛЛАБЕРГАНОВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
КЛАСТЕР ТИЗИМИ ОРҚАЛИ
АГРОСАНОАТ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Монография

ТОШКЕНТ-2020

УЎК: 37.091.3:373.3

ББК: 74.58

Ў-32

Х.С.Асатуллаев, З.Г.Аллаберганов. Ўзбекистон Республикасида кластер тизими орқали агросаноат самарадорлигини ошириш йўллари. /Монография/. –Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2020, 100 б.

ISBN 978–9943–6820–7–8

Монографияда иқтисодий пандемия шароитида агросаноат мажмуаси кластерларининг қишлоқ хўжалигида ташкил этиш шакллари, улар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари натижалари, қишлоқ хўжалигидаги агросаноат мажмуаси кластерлари фаолиятини моделлаштириш натижалари, қишлоқ хўжалиги агросаноат мажмуасида мева-сабзовотчилик соҳасида агросаноат кластерларини ташкил этиш ва ривожлантириш йўллари, мамлакат қишлоқ хўжалигида тармоқ кластерлари фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари, агросаноат мажмуаси кластерлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича хорижий давлатлар тажрибаларидан фойдаланиш каби масалалар ўрганилган.

Монографиядан шу соҳага қизиқувчи ва илмий тадқиқот олиб бораётган тадқиқотчилар фойдаланишлари мумкин.

Ушбу монография ПЗ-201709271028 “Фермер хўжаликлари билан минерал ўғит таъминоти корхоналари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ташкилий-иқтисодий ва молиявий механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги давлат гранти доирасида нашр қилинган.

УЎК: 37.091.3:373.3

ББК: 74.58

Тақризчилар:

Хаджиев Б.Д. – т.д.и.у. и.ф.н., доц.;

Хусанов Д.Н. – т.м.и. и.ф.н., доц.

Тошкент молия институти Кенгашининг 2020 йил 28 ноябрдаги 4/ 8.8-сон қарорига асосан чоп этишга тавсия этилди.

ISBN 978–9943–6820–7–8

© Тошкент молия институти, 2020;

© «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2020.

30360/2

КИРИШ

Жаҳон миқёсида юзага келаётган ва хавф туғдираётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар ҳамда воқеаликлар мамлакатларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга таҳдид солувчи асосий омил саналади. Бу, бир томондан, глобал иқтисодий, молиявий, аграр инқирозлар юз бериши, халқаро озиқ-овқат бозорлари қисқариши ва уларда нарх-наво ошиб бориши, иккинчи томондан эса, дунё аҳолиси сони муттасил ўсиб, урбанизация жараёнлари кучайиши шароитида қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларининг қисқариб бориш тенденцияси сақланиб қолаётганлигида ўз аксини топмоқда.

Замонавий бозор иқтисодиётининг рақобатбардошлиги ва самарали фаолият юритилиши кўп жиҳатдан иқтисодиётдаги ўзгаришлар, янгиликлар, инновациялар, илм-фан ўзгаришлари, фан-техника тараққиёти ютуқларини амалиётда қўллаш жараёнлари билан узвий боғлиқдир. Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг замонавий шаклларида инновацион фаолиятни ривожлантириш ва иқтисодиёт тармоқларида иқтисодий интеграция ва ҳамкорлик шакллари кенг қўллаш ҳисобланади. Мамлакат иқтисодиётининг дунё хўжалигига интеграциялашуви ва жаҳон хўжалигининг глобаллашуви шароитида иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида замонавий инновация шаклларида кенг фойдаланиш талаб этилади.

Замонавий инновацион фаолият шаклларида бири қишлоқ хўжалиги тизимида инновацион агрокластерларни барпо этиш ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида минтақавий даражада кластер ёндашувидан фойдаланиш ҳар томонлама самарали ва истисно бўлмаган йўналишлардан

биридир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини етиштириш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда мазкур соҳада ижобий натижаларга эришган, ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорларни маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларга бириктириш миникластерлар ташкил етиш. Жаҳонда хорижий капитални жалб этиш бўйича мамлакатлар ўртасида кескин кураш кетмоқда. Хорижий инвестициялар ҳажми, унинг сифати ва қулай шартларидан фойдаланиш борасида ривожланган мамлакатларда йилдан йилга инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган инновацион инструментларнинг турли кўринишлари юзага келмоқда”¹.

“Ўзбекистоннинг «BMB Trade Group» компанияси билан 2019 йилда Жиззах вилоятининг Арнасой ҳамда Мирзачўл, 2020 йилда Пахтакор ва Дўстлик туманларида агрокластер ташкил етиш бўйича келишувга эришдик. Шартноманинг умумий қиймати 350 миллион долларга тенг. Яъни бу ерда пахтани етиштиришдан тортиб, то унинг асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилишгача бўлган барча тизимни қамраб олиш кўзда тутилган. Кластерлар доирасида жами 30 мингга яқин иш ўрни яратилиши режалаштирилган. 2020 йилдан лойиҳа дастлабки мевасини беришни бошлайди ва тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, жумладан, жинси, чойшаблар ишлаб чиқарилиб, ташқи бозорга сотилади”².

Жаҳон мамлакатларида инқироз таъсири давом этиб келаётган бир пайтда, баъзи бир мамлакатларда ривожланиш ўрнига пасайиш суръатлари давом этиб келаётган шароитда мамлакатимиз иқтисодиётининг бу каби

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган ИЛМИЙ-ОММАБОП ҚЎЛЛАНМА. – Т.: “Маънавият”, 2019. 5-6 бет.

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган ИЛМИЙ-ОММАБОП ҚЎЛЛАНМА. – Т.: “Маънавият”, 2019. 88-бет.

суръатларда ривожланиши олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг нақадар тўғрилигидан дарак беради. Юқоридаги маълумотарни барчаси мамлакат иқтисодиётида инновацион агрокластерлар ташкил этиш орқали иқтисодиётга янги қарашлар, инновациялар тизимини жорий этиш режалаштирилганлиги мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

COVID-19 пандемияси таъсирида дунё ҳамжамиятида кузатилаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз, иқтисодиётнинг барча тармоқларига, айниқса, дунё аҳолисини маҳсулотлар билан таъминлаш масалаларига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатмоқда. Мамлакат аҳолисининг маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш асосан кишлоқ хўжалик тармоғини ривожлантириш тадбирларига бевосита боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида соҳага замонавий ва инновацион услубларни жорий этишни тақозо этади.

I БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ КЛАСТЕРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Агросаноат мажмуаси кластерларининг иқтисодий моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари

Дунё хўжалигининг иқтисодий ривожланишида ўзига хос ўринга эга бўлган жараён янги иқтисодий тушунчаларнинг кириб келиши, иқтисодиётда янги юқори технологик компьютер-информацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш, илм талаб маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқарилиши таъсирида иқтисодиёт тармоқлари шаклланмоқда. Бунинг таъсирида инвестицион иқлимни ўзгариши, рақобатни ривожланиши, инсон капиталига бўлган муносабатнинг ўзгариши, иқтисодиётни инновацион ривожланишини қўллаб-қувватланиши таъсирида юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар қишлоқ хўжалиги тизимида агросаноат кластерлар тизими ташкил топади. Мамлакат қишлоқ хўжалигидаги инновацион янгиликлар таъсирида самарали иқтисодий ривожланиш механизмлари сифатида агросаноат кластерлари фаолиятини ташкил этиш ва ривожланишини жадаллаштириш саналади. Инновациялар тўғрисидаги дастлабки илмий ишланмалар XX асрнинг йигирма йиллигида Й.Шумпетер томонидан ишлаб чиқилган. Шу билан бирга “янгиликлар диффузияси” ҳам номланади.

XX аср охиридан бошлаб дунё хўжалигида рўй бераётган ўзгаришлар заминидан мамлакатлар иқтисодиётида янги хўжалик юритиш тизимларини шакллантириш саналади, маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича, географик яқин бўлган корхона ва уларга ҳазмат кўрсатувчи ташкилотларни ўзичига олган «кластер тизимини» яратишдан иборатдир.

Қишлоқ хўжалигини бугунги кун давр ўзгаришларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш орқали “кластер”, “кластеризация”, “кластер сиёсати” каби тушунчалар кириб келмоқда. Қишлоқ хўжалигини кластерлаштириш сиёсати мамлакат минтақаларида қишлоқ хўжалигини янги тузилмаларини ташкил топиши орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлиги ортади ва янги инновацион импульс таъсирида қишлоқ хўжалигида янги маҳсулотлар турларининг пайдо бўлишига олиб келади. “Кластер – Германия иқтисодиёти ривожлантириб, Европа Иттифоқи доирасида иқтисодий ўсишнинг мотори сифатида майдонга чиқди. Финляндия иқтисодиётида юқори ўсиш даражасини кўрсатди”³. Шунингдек, “АҚШ иқтисодиётидаги ярми кўп ташкилотлар шу моделда фаолият кўрсатишади”⁴.

Қишлоқ хўжалиги тизимида кластерларни ташкил этишда туман ва вилоятда яқин жойлашган бир-бирига яқин бўлган соҳаларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ва бошқа хизматларни уйғунлаштириш билан биргаликда инновацион фаолиятни ташкил этиш асосида янги турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтиришдан иборат.

“Кластер французча атама бўлиб, ўзбек тилидаги панжа, бош, боғлам, гуруҳ, тўпланиш, тургун маъноларини англатади. Шунингдек, кластер танланма тадқиқотларнинг бир усули сифатида ҳам ифодаланади. Кластернинг моҳияти Альфред Маршаллнинг «Иқтисодиёт принциплари» (1890 й.) номли асаридаги «иқтисослашган тармоқ-соҳаларнинг алоҳида ҳудуд-ларда уйғунлашиши» тўғрисидаги назарий қарашларида ўз аксини топган»⁵. “Шу билан бирга кластер (инглизчада cluster - тикилиши) муайян хусусиятларга эга

¹В.М. Джуха, А.В. Курицян, И.С. Шталова. Экономика отраслевых рынков: учебное пособие/ - Ростов н/Д: Феникс, 2010.

²В. П.Акетьев, М. Б.Алексеева, В. Ф. Богачев и др.; под ред. В. Ф. Богачева, А. Г. Столбова. Формирование промышленных кластеров в концепции инновационного развития региона / - СПб.: Инфо-да, 2009.

³З.А. Хакимов. Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини маркетинг стратегиялари асосида оптимизация иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) номий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. -Т., 2018.

бўлган мустақил бирлик сифатида қараш мумкин бўлган бир нечта бир хил элементларни бирлашувини англатади. Масалан, кластер – бир мавзунинг бирлиги ёки статистик популяциянинг тегишли элементлари синфига тегишли қидирув натижалари тўплами. Кластер – географик жиҳатдан қўшни бўлган бирлаштирилган компаниялар (ишлаб чиқарувчилар, етказиб берувчилар ва бошқалар) ва тегишли ташкилотлар (таълим муассасалари, ҳукуматлар, инфраструктуралар) киради”⁶.

Кластерлаштириш назариясини ўрганиш ва уни амалиётга жорий этиш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар тез суръатларда ўсиб бормоқда. Кластер назариясининг кўп томонлама самарали еканлиги турли методологик ёндашувлар шаклланишига олиб келмоқда. Хусусан, М.Портернинг «Рақобатда устунлик назарияси»да кластер – энг самарали фаолият турларидан ҳисобланади. Фирмаларни ихтисослашувини натижасида географик локализация жараёнлари асосида вертикал ва горизонтал жойлашувини билдиради⁷, М.Енрайт, С.Резенфелд, П.Маскелл ва М.Лоренценнинг «Минтақавий кластерлар концепцияси»⁸, А.Маршаллнинг «Саноат худудлари назарияси»⁹, П.Бекатиннинг «Италян саноат округлари назариялари»¹⁰, М.Сторпернинг «Идеал» худудий кластер назариялари яратилган бўлиб, «Кластерлар занжири уйғунлиги» каби назариялар ҳам шу гуруҳда жойлашган. Юқоридаги назарияларда кластер – ишлаб чиқарувчиларга рақобат устунлигини таъминлашда юқори самарали усул сифатида худуддаги таълим, фан, технологик, иқтисодий ва бошқа хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти билан уйғунлашган

⁶В.В.Карпова, В.В.Алешенко. Кластерный подход к развитию агропромышленного комплекса Омской области. Монография – Новосибирск, изд-во СО РАН, 2014 г

⁷Портер М. Международная конкуренция. - М.: Международные отношения, 1993. С. 51,

⁸Enright M. Regional Clusters and Economic Development: A Research Agenda, in Staber, U., Schaefer, N. and Sharma, B., (Eds.) "Business Networks: Prospects for Regional Development, Berlin": Walter de Gruyter, pp. 190-213.

⁹Маршалл А. Принципы экономической науки, т. I – III. Пер. с англ. -- М.: Издательская группа «Прогресс», 1993.

¹⁰Бекатини П. - Becattini G. From Marshalls to the Italian «Industrial Districts»/ www.competitiveness.org. 2015

тизими эканлигини кўрсатади. Ж.Даннинг, К.Бримен, Шмит, Ж.Хамфриларнинг «кластер»ни ўзаро ҳамкорликдаги институтлар тизими сифатида иктисодиётнинг асосини белгиловчи институционал тизим деб кўради. Б.О.Лундвал, Б.Ёнсон, Б.Асхайм, А.Изаксонлар – кластернинг эволюцион ривожини бир қатор босқичлардан ўтиш лозимлигини таъкидлайдилар. Кластерлар назарияси бўйича рус олимлари Ю.С.Артамонова, Б.Б.Хрусталёв ва бошқалар¹¹ томонидан ҳам ўрганилган бўлиб, амалиётга жорий этиш бўйича кўплаб лойиҳалар ишлаб чиқилган. Келтириб ўтилган назарияларнинг шаклланиши ва уларнинг амалий аҳамияти мамлакат, тармоқ ва корхоналар рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион стратегияси сифатида корхоналар самарадорликка эришишини назарда тутди. “Ўсиш қутблари назарияси Ф. Перру томонидан ишлаб чиқилган. Унинг ғояси айнан ўсиш нукта, марказ, қутбларига бағишланган ва одатда бу ғоя иқтисодий макон унча шаклланмаган, катта ишлаб чиқариш салоҳиятига ега бўлган худудларда катта самара беради. Бундай худудга турли омиллар ва шарт-шароитлар ҳисобга олинган, қулай иқтисодий географик ўринга эга бўлган нуктада-аҳоли пунктида йирик саноат корхонаси жойлаштирилади. Натижада ўсиш маркази вужудга келади”¹². Замонавий амалиётда ўсиш қутблари назарияси асосида эркин иқтисодий зоналар, кичик иқтисодий зоналар, технополислар, технопарклар ташкил этилмоқда.

Кластер назарияларининг шаклланиши ва ривожланиш ҳолати кластерга ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликдаги қишлоқ хўжалигидаги корхона ва фирмалар фаолияти самарадорлигини ошириш бўлса, кластерлар географик маконда бир-бирга яқин жойлашган, ўзаро боғлиқликдаги қишлоқ

¹¹ Кластерные политики и кластерные инициативы: теория, методология, практика. (Коллективная монография). Минобразования и науки РФ, Минэкономразвития РФ, Правительства Пензенской области. Пенза, 2013.

¹² А.Солиев, Э.А.Аҳмедов, Р.Й.Маҳаммадалиев, М.И.Назаров, З.Н.Тождева, М.Ж.Болтаев, У.А.Атажанова. Минтақавий иқтисодиёт. Ҳуқуқ қўлланма. Т-2003 й.

хўжалиги корхоналари гуруҳи бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро ижтимоий-иқтисодий муносабатлар натижасида барқарор алоқалар шаклланади, улар фаолиятида жиддий ижобий ўзгаришлар юз беради ва улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар рақобатбардошлиги кучаяди, маҳсулотлар сифати ортади. Худуд, тармоқ ва корхона рақобатбардошлигини оширишга кластер назариясини татбиқ этиш амалиётига кўра, кластер – географик нуқтаи назардан кўшни бўлган, ўзаро боғлиқ корхоналар ва уларга алоқадор ташкилотлар гуруҳидир. Шунингдек, кластер – ишлаб чиқариш корхоналари рақобатбардошлиги ошишига имкониятлар яратувчи, ўзаро чамбарчас боғланган тармоқлар ягона технологик занжирини ташкил этувчи ҳамжамиятлардир¹³. М.Портер кластерга баҳо берар экан, кластер самарали ташкилот саналади, ихтисослашув омиллари таъсирида ривожланади, географик локализация таъсирида вертикал ва горизонтал шаклда ривожланади. Маҳаллий ресурслар асосида маҳсулот таннархини пасайтириш, материал-ишлаб чиқариш захираларига бўлган талабни минималлаштиришга сабаб бўлади. Кластерни чуқурлашуви ва кенгайиши кўп томондан кластер таркибидаги ташкилотларнинг ўзаро рақобатлашувига боғлиқ¹⁴.

В.П.Третьяк фикрича, кластер иштирокчилари тармоқларо ёки географик концентрациялашади, бу эса иқтисодиёт тармоқлари самарадорлигини ривожлантиради. Концентрация орқали ихтисослашув шаклланади, қисқа ихтисослашув жараёни шаклланади. Кластерда квази интеграцион структура ташкил топади, бу структура юридик шаклдаги мустақил кичик корхоналардан тузилади, унда корхоналар ўз активлари устидан назоратни сақлаб қолади¹⁵.

¹³Портер М. Конкуренция. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2011.

¹⁴Ф.Е.Караева. Формирование, идентификация и управление конкурентоспособностью регионального промышленного кластера. Дисс. Соис. Уч.степ. д.э.н. Санкт-Петербург. 2014 г. 388 стр.

¹⁵В.П.Третьяк... Квазиинтеграция - экономическая основа инновационных кластеров предприятий [электронный ресурс]. Режим доступа: URL: http://www.riep.ru/works/almanach/0004/almanach0004_174-192.pdf

А.Н.Асаул эса кластерни бизнес-субъект бирлашмаси, бир-бири билан ўзаро алоқадорликдаги йирик корхоналар бирлашмасининг турли-туман кўринишларидан бири сифатида кўради. Ижтимоий-иқтисодий аспектларни кенг масштабда ўрганади. В.В.Печаткин ва С.М. Гаймаловлар фикрича, кластер географик ва технологик ўзаро боғлиқликдаги ва рақобатлашувчи корхоналар гуруҳидир. Ички ва ташқи бозорларда салмоқли улушга эга бўладиган корхоналар йиғиндиси, асосий мақсади маҳсулот ва хизматларни ихтисослаштириш орқали жаҳон стандартлари асосида инновацион янгиликлардан фойдаланган ҳолда бир-бири билан рақобатлашувчи корхоналардир¹⁶.

С.Н.Мзулев фикрича, кластер – бу комплекс географик ўзаро алоқадорликда ва боғлиқликдаги компанияларнинг алоҳида қобикдаги фаолиятидир. Турли-туман вазифалар бажаради, кучли ички ихтисослашувга эга бўлган, юқори даражадаги ҳамкорликга асосланган, вертикал ва горизонтал алоқаларга эга ва бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида фаолият кўрсатувчи тизим сифатида кўради¹⁷.

Бизнинг фикримизча, кластер – бу маълум минтақада ёки маконда жойлашган, бир-бири билан мустаҳкам ўзаро кооперацион алоқадорликга ва ҳамкорликга эга бўлган, ўзаро адолатли рақобат қилувчи, инновацион янгиликларни тез ўрганувчи ва мосланувчан корхоналар йиғиндисидир. Бу тизим барча соҳалар учун қўлланиши мумкин ва универсал хусусиятга эгадир. Уларни соҳа ва тармоқлар хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда гуруҳлаштириш зарур бўлади. 1.1-расмда Кластерлар типологияси бўйича маълумот берилган. Шу билан бирга унинг етти асосий белгилари бўйича кластерни гуруҳлаштириш мумкин:

Географик кластерлар: минтақалараро кластерлар иқтисодий активлигини ошириш, бошланишида маҳаллий (маса-

¹⁶И.В.Пилштенко. Конкуренциоспособность и формы организации производства в постиндустриальных условиях // Сборник докладов под ред. В.А. Шупера. - М.: Эслан. 2006, с. 124-142.

¹⁷В.О.Мосейко, В.В.Фесенко. Выявление региональных кластеров: методологические подходы // Регион. экономика: Теория и практика. - 2008. - №7. - с. 58-64.

лан, Нидерландияда боғдорчилик), глобал (аэрокосмик кластерлар);



1.1-расм. Кластерлар типологияси¹⁸

Горизонтал кластерлар: бир неча тармоқлар ва секторларни йирик кластерлар таркибидан чиқиш метакластерлар ташкил этилиши, метакластер – унча катта бўлмаган маълум минтақа учун хос бўлган кластерлар гуруҳи (масалан, Нидерландия иқтисодиётидаги метакластерлар);

Вертикал кластерлар: кластерларнинг ишлаб чиқариш жараёнлари босқичларини қўшни босқичлар билан фаолиятидир. Шу билан бирга тармоқ иштирокчиларининг тўлиқ таркибида илмий тадқиқот ва инновациялар билан шуғулланувчиларини аниқлаш муҳимдир.

Латерал кластерлар: янги комбинация алоқаларига олиб келувчи иқтисодиёт тармоқларини бирлаштиради (масалан, мультимедиа кластерлари);

Технологик кластерлар: бир хил технологиялардан фойдаланувчилар мажмуаси (масалан, биотехнологик кластерлар);

Фокусли кластерлар: ягона марказ атрофида жойлашган корхоналар мажмуаси (масалан, корхона, илмий-тадқиқот институти, таълим муассасаси);

¹⁸ Муаллиф ишланмаси

Сифатли кластерлар: ўзаро ҳамкорликнинг самарали ва сифатли вариантлари асосида жойлашган корхоналар мажмуасидир.

1.2. Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида агросаноат мажмуаси кластерининг фаолияти

Мамлакат минтақаларида ташкил этиладиган агросаноат кластерлари бизнинг фикримизча, бир қатор ижобий иқтисодий ўсиш ва ривожланиш импульсини беради:

1. Агросаноат маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали соҳага юқори технологик ишлаб чиқариш сектори шаклланади;

2. Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали ички ва ташқи бозорлар эгалланади;

3. Агросаноат кластерлари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни диверсификациялашуви натижасида ЯХМ таркибидаги улуши юқори даражада ортади;

4. Кластерлаштириш орқали соҳа модернизациялашув босқичини бошдан кечиради;

5. Юқори технологик ва илмталаб соҳалар агросаноат кластерлар фаолиятида чуқур кириб бориш жараёни кузатилади, минтақаларда янги турдаги инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошлайди;

6. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпаяди.

“Инновацион агросаноат кластерларининг инновацион салоҳиятинини баҳолашда хорижий мамлакатларда индикаторлар ва индекслар орқали баҳоланади. Таҳлиллар асосида инновацион салоҳиятни интеграл баҳоланади ва учта ғарб модели ишлаб чиқилган.

Унга кўра таҳлиллар макро ва мезо даражада ўтказилади:

– The Boston Consulting Group – дунёдаги етакчи халқаро компания, консалтинг бошқарувини ихтисослашуви билан шуғулланади;

– European Innovative Scoreboard 2011 – Европа инновацион таблоси индекси, Европа комиссияси инструменти саналади, Лиссабон стратегиялари асосида ишланган бўлиб инновацион фаолиятда ЕИ давлатлари аъзоларидан иборат баҳолаш тизими;

– Инновацион индекс EIU (Economist Intelligence Unit), Британия тадқиқотлар компанияси, Economist журналининг аналитик бўлими ва давлат комиссиясига юқори инновацион технологияларни инновацион ривожланиш дастурларига киритиш таклифларини ишлаб чиқади.

– Бостон инновацион индекси икки бўлимдан иборат: “Innovation Inputs”, “Innovation Performance” инглизчадан таржима қилинганда инновацион самарадорлик тушунилади. БСГ марказида ишчан актив ишлаб чиқариш сектори туради ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган.

– Европа инновацион таблоси (European Innovative Scoreboard 2011) учта бўлимдан ташкил топган бўлиб, уларга “имконият”, “фирма фаолияти”, “натижа” лар киряди.

– Британия тадқиқотлар компанияси (Economist Intelligence Unit) 41 та мамлакатни инновацион индексларини ўрганади”¹⁹.

Инновацион агросаноат кластерлари хўжаликлараро рақобатни ривожлантириб, хўжаликлараро алоқа структурасини ишлаб чиқади. Ишлаб чиқариш, техникалар етказиб берувчилар, ихтисослашган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, илмий-тадқиқот муассасалари, ишлаб чиқариш

¹⁹А.А.Алексеев, Е.С. Дятлова, Н.Е.Фомина. Метод оценки инновационного потенциала региона с позиции формирования кластерной политики. Вопросы экономики и права. № 54.2012 г

нуктаи назаридан ўзаро боғлиқликдаги маълум ҳудудда жойлашган кластер иштирокчилари тушунилади.

Агросаноат мажмуасининг ҳудудий кластери бир неча ўзаро боғлиқ тармоқларнинг географик омиллар билан чегараланган маълум бир ҳудуднинг агросаноат ташкилоти шаклидир (нисбатан катта миқдорда элементлар (катта ва кичик турли хил нисбатларда) ва шунга мувофиқ ушбу иқтисодий конвенцияни, иқтисодий, технологик ва ташкилий-тадбиркорлик фаолиятининг маълум бир соҳасига ёндашиш тенденцияси рақобатбардош ва, одатда, экспортга йўналтирилган маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган муайян агросаноат соҳасига йўналтирилган.

Ҳудудий агросаноат кластер иштирокчилари: саноат корхоналари, одатда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳудудий агросаноат корхоналари (кластер маркази горизонтал кластерли схема): хом ашё, компонентлар, кластер инфраструктураси: саноат корхоналарининг транспорт, энергетика, ахборот, муҳандислик инфратузилмалари объектларига, шунингдек, нодавлат ижтимоий йўналтирилган илмий-тадқиқот ташкилотлари, хўжалик бирлашмалари, савдо палаталаридан фойдаланиш имкониятини берувчи ҳудудий корхоналар; инновацион инфратузилма объектлари (технопарклар, саноат парклари, шовкин фондлари, маълумот узатиш марказлари) ва қўллаб-қувватловчи ташкилотлар гуруҳлари (манфаатдор томонлар). Минтақавий агросаноат кластерлари катта ёки кичик агросаноат корхоналарини, шунингдек, турли хил нисбатлардаги йирик ва кичик корхоналарни ўз ичига олиши мумкин. Ҳудудий агросаноат кластерининг тузилиши ҳудудий ва маҳаллий ҳокимият органларининг (саноат қўмиталари) бўлинмаларини ўз ичига олиши мумкин, улар кўпинча уни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларига сезиларли таъсир кўрсатади. М. Портернинг қоидаларига кўра, кластер ядроси рақобатбардош устунлик

ва рақобатбардошлик концепцияси билан боғлиқ бўлган концепциядир. Ушбу мазмунли асосга асосланиб, агросаноат кластерларининг асосий қисми миллий ва жаҳон бозорларида рақобатбардош бўлган, кўплаб кластер бизнес субъектлари, экспортга йўналтирилган бошқа миллий худудлар эҳтиёжлари учун юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун етарлича қудратли, бозор раҳбарлари бўлган бир ёки бир нечта агросаноат корхоналари саналади.

Минтақавий агросаноат кластерининг иштирокчилари якуний саноат маҳсулоти ва қўшилган қийматни (аниқ ишлаб чиқариш) ўзаро боғлиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг географик жиҳатдан бир-бирига боғлиқ таркибий қисмидир.

Агросаноат мажмуасининг худудий индустриал мажмуи таркибига кирадиган кластер элементлари бир-бири билан иктисодий, технологик, ташкилий, иктисодий, ахборот ва бошқа алоқалар ўрнатилган тизимига эга.

Ривожланган худудий тармоқлардаги агросаноат кластерлари ишлаб чиқариш заңжирида бир-бирига боғлиқ бўлган кўплаб тармоқлар, қўллаб-қувватловчи ва қўллаб-қувватловчи тармоқларнинг кенг қўлами, етказиб берувчилар ва истеъмолчиларнинг ихтисослашган базалари асосида ривожланади. Агросаноат кластерларининг асосий корхоналари умумий бизнес тармоғининг бир қисми бўлиб, рақобатдош муносабатларни англатади (бу кластер картел ёки молиявий гуруҳдан фарқ қилади), лекин биринчи навбатда, рақобатлашувчи корхоналар ўртасидаги умумий муносабатлар асосида горизонтал алоқаларни тўхтатмайди. Саноат технологияси ёки хом ашё манбаларининг ягона манбаи бўлиб, иккинчидан, рақобатдош муносабатларнинг мавжудлиги ички бозорда ва чет элларда биргаликда кенгайишга олиб келади. Ташкилот шакли, қоида тариқасида, маълум бир минтақада муайян саноатнинг ривожланиши.

Классик кластер ёндашуви ижтимоий-иқтисодий 57 та вазифаларни бажаради ва ҳар қандай мамлакатни жадал ривожлантириш омилларида саналади. Улар қуйидагилардир:

– миллий ва минтақавий иқтисодиётнинг иқтисодий тузилмасида муҳим механизмлар вазифасини бажаради ва минтақанинг иқтисодий фаровонлиги маълум бир қатор рақобатбардош гуруҳлардаги муҳим позицияларга боғлиқ;

– миллий ёки минтақавий бизнес шароитларида асосий вазифаларни белгилаш мумкин: кластерлар рақобатнинг табиати ва рақобатбардош устунликка таъсир кўрсатадиган микроиқтисодий омиллар билан катта боғлиқдир;

– иқтисодий ривожланиш соҳасидаги хусусий сектор, ҳукумат, савдо бирлашмалари, таълим ва тадқиқот институтларининг ролини қайта кўриб чиқиш, шунингдек, фирмалар ва компанияларнинг умумий муаммоларини эмас, балки умумий имкониятларни аниқлаш учун иқтисодий соҳадаги янги фикрлаш услубини ва унинг ташкилотини ривожлантиришга ҳаракат қилиш барча мулк шакллари.

Бундан ташқари, минтақада кластерга эга бўлиш ва кластердаги корхоналарнинг мавжудлиги каби бир қатор афзалликларни таъкидлаш керак:

– ишлаб чиқариш омиллариининг энг самарали комбинациясидан, ахборот олишдан фойдаланишдан, фаолиятни янада яхши мувофиқлаштиришдан, жамоат молларини яратишдан (малакали меҳнат, ихтисослашган инфра-тузилма, харажатларни камайтириш) рақобатни рағбатлантириш, адолатли рақобатни чеклаш туфайли самарадорликнинг ошиши;

– маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган нашрлар, ишлаб чиқариш усуллари, концентрация ва корхона ташкил этиш учун зарур бўлган ҳар қандай ресурсларнинг мавжудлиги, шу жумладан, маълумот олиш

бўйича хабардорлик туфайли янги бизнес тузилмалари пайдо бўлади;

– мижозларнинг ўзгарувчан эҳтиёжларига тезкорлик билан жавоб бериш, янги усуллар, технологиялар, имкониятларни тақдим этиш ёки кам харажат билан тажрибалар ҳақида маълумотларнинг мавжудлиги туфайли инновацияларнинг кенг тарқалиши;

– кластернинг яратилиши янги технологияларнинг тарқалишига, технология даражасини ва стандартларини уйғунлаштиришга ва "ҳаракатнинг вертикали" доирасида ишлаб чиқаришни ташкил қилишга ёрдам беради. Бу нафақат ривожланаётган фирмалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, балки асосий тармоқнинг фан, таълим соҳасидаги самарали ҳамкорлиги ҳамда минтақавий ҳокимият стратегиясига ҳам таъсир қилади;

– ширкатлар таркибида тадбиркорлик субъектлари ва маҳаллий ташкилотларнинг маркетинг, технология, мавжуд мижозлар эҳтиёжлари ҳақида маълумотларга эга бўлиши, улар яхши ташкил этилган ва арзонроқ бўлиши мумкин, бу эса компанияларнинг янада самарали ишлашига ва ишлашнинг илғор даражасига кўтарилишига имкон беради;

– билим ва технологияларни сотиб олиш ва тарқатиш учун сарф-харажатларни қисқартириш, жамоада билимларни ишлаб чиқарувчиларни қўшилиш, гуруҳ аъзоларининг меҳнат миграцияси ва доимий ўрганиш натижаси туфайли эришиш мумкин бўлган тармоқ иштирокчилари ўртасида юқори харажатлар ва инновацион хавфларни ажратиш мумкин норасмий алоқалар;

– минтақада зарар кўрмайдиган корхоналарни мақсадли йўналтириш, иқтисодиёт учун муҳим бўлган айрим компаниялар гуруҳларига мақсадли имтиёзлар бериш имконияти;

– кластер маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда, унинг таркибий қисми

иккита асосий компонентни ўз ичига олади: нарх ва сифат, қайта тайёрлаш, консалтинг хизматлари, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш харажатларини қисқартириш имкониятини беради.

1.3. Қишлоқ хўжалигида агросаноат мажмуаси кластерларини ташкил этиш шакллари

Кластернинг ўзига хос хусусияти – “мақсадли тадбир-корлик фаолияти”, чунки “кластер” ичида нафақат ишлаб чиқариш, балки инновацион бизнес, интеграцияланган маҳсулот сифати менежменти ва сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш бирлаштирилади. Муайян ҳудуд катта рақобат-бардош устунликларни таъминлаб, ишлаб чиқариш-бозор жараёнларини рационализация қилишга, қайта тақсимлашга ёрдам беради.

	Тармоқ йўналишлари	Мамлакатлар
1	Электрон технологиялар ва алоқа, информатика	Швейцария, Финляндия
2	Биотехнология ва биоресурслар	Нидерландия, Франция, Германия, Буюк Британия, Норвегия
3	Фармацевтика ва косметика	Дания, Швеция, Франция, Италия, Германия
4	Аграр ва озиқ-овқат ишлаб чиқариши	Финляндия, Белгия, Франция, Италия, Нидерландия
5	Нефт-газ комплекси ва кимё	Швейцария, Германия, Белгия
6	Машинасозлик ва электроника	Нидерландия, Италия, Германия, Норвегия, Ирландия, Швейцария
7	Соғлиқни сақлаш	Швеция, Дания,

		Швейцария, Нидерландия
8	Коммуникация ва транспорт	Нидерландия, Норвегия, Ирландия, Дания, Финляндия, Белгия
9	Энергетика	Норвегия, Финляндия
10	Курилиш	Финляндия, Белгия, Нидерландия
11	Енгил саноат	Швейцария, Австрия, Италия, Швеция, Дания, Финляндия
12	Ўрмон саноати комплекси	Финляндия

1.2-расм. Айрим мамлакатлар иқтисодиётини кластерлашнинг асосий тармоқ йўналишлари.²⁰

Шу муносабат билан, ишлаб чиқаришни кластерларни ташкил этишда мақсадли тадбиркорлик фаолияти мавжудлиги кластернинг яна бир ўзига хос хусусияти – унинг инновацион характерини ифодалайди. Шундай қилиб, "тадбиркорлик тадбиркорликнинг ўзига хос тури ҳисобланиб, инновацион турдаги характерга эга бўлиб, талаб ва таклиф ўртасидаги бозорда мувозанатга олиб келмайди".

Тадбиркорлик таърифи уни иқтисодий фаолиятнинг ўзига хос тури сифатида белгилайди, унинг асосий мақсади даромад олиш эмас, балки инновацияга асосланган маҳсулотни яратиш орқали талабни қондиришдир.

Ишлаб чиқаришни кластерни ташкил этишда инновацияларнинг юқори даражаси инновациялар орқали тадбиркорлар учун доимо фаолият кўрсатадиган, мақсадли қидирув тизимининг мавжудлиги, бозор шароитларида уларни амалга ошириш қобилияти мавжудлиги, уларнинг рақобатбардош афзалликларини олиш имкониятини

²⁰ Муаллиф ишланмаса

таъминлайдиган самара-дорлигини баҳолашда намоён бўлади. Кейин гуруҳлардаги мақсадли бизнес фаолиятининг асосий томони таркибий қисм: инновация – инновациялар –

1.1-жадвал

Кластерларга доир норматив-ҳуқуқий асос²¹

	Кластерларга доир норматив-ҳуқуқий асосларнинг номланиши	Норматив-ҳуқуқий асос
1	Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	№ ПҚ-538829 03.2018
2	Наманган вилоятининг Мингбулоқ ва Поп туманларида агросаноат кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида	№ ПҚ-736 05.09.2019
3	Бухоро вилоятида замонавий агрокластер ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида	№ ПҚ-500 14.06.2019
4	Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида замонавий агросаноат кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида	№ ПҚ-974 01.12.2018
5	Жиззах вилоятида замонавий агрокластер ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида	№ ПҚ-4009 09.11.2018

²¹ Муаллиф томонидан тузилди

инновациялар – рақобатбардош афзалликлари – корхоналар ва маҳсулотлар рақобатбардошлиги – кластернинг рақобатдошлиги. Шундай қилиб, рақобатбардошлик – бу фаол инновация орқали ҳосил қилинган маҳсулотни кластерни ташкил этишнинг ўзига хос хусусияти.

Минтақавий саноат кластерларини маъмурий-худудий субъект сифатида муайян минтақага нисбатан шакллантириш жараёни "минтақанинг агросаноат кластери" атамаси билан белгиланади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кластерли ёндашув саноат сиёсатининг мақсадларига эришиш учун эмас, балки (саноатдаги таркибий ўзгаришлар, рақобатбардошликни ошириш, инновацияларни ривожлантириш ва ҳ.к.), шунингдек, минтақавий ривожланишни рақобатлантиришнинг кучли воситаси бўлиб хизмат қилади. Натижада иш билан бандлик, иш ҳақи, турли даражадаги бюджетларга маблағ ажратиш ва минтақавий саноатнинг барқарорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш мумкин.

Унинг пайдо бўлишидан қатъи назар, минтақавий агросаноат кластери (иқтисодий агломерациялар учун) ва алоҳида (кластернинг ўзи учун) хусусиятларининг умумий мажмуи бўлиши керак. Тузилиш йўллариининг фарқи инновация технологик параметрларига тўғри келади. Саноат агломерацияси асосида ташкил топган гуруҳлар асосан жараён инновацияларига (саноат ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янгича усуллари, яъни янги саноат технологиялари) ва маҳсулот инновацияларига (янги материаллар, янги ярим тайёр маҳсулотлар ва компонентлар ёрдамида, асосан янги маҳсулотларни олиш), янги саноат тармоқларида пайдо бўлган саноат гуруҳлар фақат маҳсулот янгиликларига қаратилган.

Кластерларни шакллантиришнинг қайси босқичига асосланиб, қуйидаги босқичлари (кластерларнинг ҳаёт айланиш босқичлари) ажратилади: олдинги кластер (агломерат); янги

насл кластери (ядроланиш босқичи); кластерни ривожлан-тириш (ўсиш босқичи); етук кластер (етуклик босқичи); ўзгарувчан кластер.

Ушбу классификация агросаноат кластерининг унинг конвертация айланиш давридаги мезонига асосланган холда, агросаноат кластерини ташкил этиш ва ривожлан-тириш давридан бошлаб, мустақил ва самарали фаолият юритадиган минтақавий хўжалик юритувчи субъектлар мажмуи сифатида кластер элементларини шакллантириш-дан иборат. Бу агломератнинг дастлабки ишлашини назарда тутади ва минтақада бир қатор хўжалик юритувчи субъект-лар ва келгусидаги кластернинг элементлари бўлиши мум-кин бўлган иқтисодий фаолиятнинг бошқа иштирокчилари мавжуд.

Кластернинг ривожланиш босқичида (етук кластер) иштирокчилар сони максимал даражада бўлиши мумкин ва кластер маҳаллий чегараларни кесиб ўтади ва минтақадан ташқарида ривожланади. Ушбу босқич классдаги янги фирмаларнинг динамик ривожланиши билан намоён бўли-ши мумкин. Кластер аъзолари бизнесининг омон қолиши ва турғунликнинг олдини олиш учун етук гуруҳнинг аъзолари янги имкониятлар, маҳсулотлар ёки технологиялар атро-фида тўпланишади.

Структуравий ва функционал хилма-хилликни ошириш кластер тизими барқарор бўлгунига қадар давом этиши ва эришилган турли хил саноат мажмуи таркибидаги элемент-ларнинг ишлаб чиқариш ва бизнес фаолияти учун имкон бермаслиги керак. Бунинг учун зарур элементлар ва ахборот алмашинувини таъминлаш, элементлар орасидаги барқарор алоқаларни шакллантириш керак. Барқарорлик кластер потенциалининг етарли даражада тузилиши билан тавсиф-ланади. Керакли ва етарлича моддий ва ахборот алмаши-нувини таъминлайдиган элементлар ўртасида барқарор алоқалар шаклланиши керак. Натижада, кластердаги барча

технологик занжирлар қурилиши керак. Минтақадаги кластер сиёсатини амалга ошириш натижалари қуйидагилар бўлиши керак: кластерга кирувчи ҳудудий қишлоқ хўжалик корхоналарининг самарадорлиги ва инновацион фаолияти, шунингдек, минтақада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш жадаллиги, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, кластер-минтақаларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдан иборат.

Натижада, кластерлар пайдо бўладиган ҳудудлар глобал сармоядорларни муваффақиятли жалб қилади, бу уларга глобал тармоқларга кириб боришга ва глобал рақобатга олиб келадиган вазиятга мос келади.

Шундай қилиб, минтақадаги агросаноат-кластер сиёсати ўзининг мақсадлари, мақсадлари ва натижаларига кўра минтақавий саноатни ривожлантиришнинг асосий вазифасини ҳал етишга ёрдам бериши керак бўлган чоралар мажмуидир: юксак технологияли ишлаб чиқариш бозорларини ривожлантириш орқали рақобатдошлигини ошириш, инновацияларни ошириш, тадбиркор ташаббусни рағбатлантириш, ҳудудий ҳокимият, бизнес ва илмий жамоатчилик ўртасидаги ўзаро алоқаларни кенгайтириш. Бундан ташқари, қоғозда таклиф қилинган ҳудудий саноат кластерининг таърифи саноат кластер сиёсати "Ғолибларни танлаш ғояси" га асосланган сиёсатдир, чунки унинг йўналиши минтақавий саноатнинг кучли ёки потенциал жиҳатдан кучли томонларини рағбатлантиришга қаратилган.

Кластер ташаббуси шаклланиши уч босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқич – ташаббус. Ушбу босқичда кластерларни ривожлантириш лойиҳаси ташаббускорлари жамоаси (ишчи гуруҳ) ташкил етилади (корхоналар раҳбарларидан, бизнес уюшмаларидан ёки идоралараро комиссиядан).

Иккинчи босқич – диагностика. Ушбу босқичда кластернинг чегаралари ва тузилмаси, унинг кучли ва заиф томонлари, ривожланиш салоҳияти ва мавжуд тўсиқларни таҳлил қилиш, асосий манфаатдор гуруҳлар аниқланади.

Учинчи босқич – дастурни ишлаб чиқиш. Ушбу босқичда манфаатдор иштирокчилар (бизнес хамжамияти ва ҳукуматлар) томонидан ишлаб чиқилиши учун потенциалга ега бўлган муайян аниқланган кластер учун дастурни ишлаб чиқиш учун тегишли чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилмоқда.

Биринчи боб бўйича хулоса

1. Агросаноат мажмуи тармоқлари фаолиятини, хусусан қишлоқ хўжалигини молиялаштиришда тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш бошқа тармоқлар ва соҳаларга нисбатан кредит маблағларини жалб қилишда ва кредитларни қайтаришда ўз хусусиятларига ега. Шундай экан, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини кредитлаш тизимини бозор муносабатлари талабларига ва мавсумийлик характерларига мос ҳолда такомиллаштириб бориш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини самарали молиялаштиришнинг асосий шарти ҳисобланади.

2. Агросаноат мажмуи тармоқлари фаолиятини кредитлаш тизимини такомиллаштирилиши иқтисодий жиҳатдан, ижтимоий жиҳатдан ва экологик жиҳатдан ижобий натижаларга олиб келади. Айниқса, қишлоқ хўжалиги молиялаштиришда имтиёзли кредитлардан фойдаланиш бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этади.

3. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ва ривожланишининг ички имкониятлари тўлиқ очилмаган. Қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш, қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни жорий қилиш айнан қишлоқ хўжалигида фаолият хусусан молия кредит муносабатлари билан боғлиқ бўлган, ҳали тўлиқ ишламаётган имкониятлар киради.

4. Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларидан фарқли равишда ўзга хос хусусиятларга ега бўлиб, шунга мувофиқ равишда хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш инфратузилма тармоқларини ташкил этишда мавжуд шарт-шароитлар албатта ҳисобга олинishi керак. Қишлоқ хўжалигининг мавсумийлик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, яъни екин екиш, суғориш, ўғитлаш, агротехника, ҳосилни йиғиб олиш ва ерларни кейинги йил мавсумига тайёрлаш ишларининг ўз вақтида бажарилиши лозим, шунга мос

равишда хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоқлари фаолиятида қисқа мавсумийлик хусусияти мавжуд: табиий-биологик шароитнинг таъсири натижасида, об-ҳаво иқлимининг ўзгариб туриши (қурғоқчилик ёки ёғин-гарчилик ва бошқа шу каби ҳолатлар) натижасида айрим ишлаб чиқариш 83 инфратузилма хизматларига бўлган талаб турли минтақа ва даврларда турлича бўлиши ва уларнинг ўзгариб туриши.

5. Ўтган давр мобайнида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар натижасида туб таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан:

- иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг мукамал ҳуқуқий асослари яратилди;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида мулкчилик ва унга мос ҳолда хўжалик юритиш шакллари барпо этилди, тармоқда истиқболли хўжалик юритиш шакли сифатида фермер ва деҳқон хўжаликларини фаолият юртиши учун оптимал шарт-шароитлар яратилди;

- қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш муносабатлари такомиллаштирилди;

- аҳолини ўзимизда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаб боришга қаратилган мустақил аграр сиёсат ишлаб чиқилди ва у изчиллик билан амалга оширилмоқда;

- маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиш ва хизмат кўрсатишда бозор тамойиллари самарали амал қилмоқда. Фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини кредитлаш тизимини такомиллаштирилиши моҳияти ва аҳамиятига кўра бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ бўлган қуйидаги иқтисодий, ижтимоий ва экологик масалаларни ижобий ҳал этиш имконини беради. Хулоса ўрнида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

1. Барча вилоятлар бойича сотиб олинадиган пахта толаси ҳосилига бир хил нарх тўланган. Бизнинг фикримизча, бундай ҳолат қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатувчи фермер ва деҳқон хўжаликларини тўлиқ рағбатлантирмайди. Чунки турли вилоятлар турли табиий ва биологик шароитга эга. Шу сабабли уларнинг қилган сарф харажатларини тўлиқ ва тўғри қоплаш мақсадида пахта нархини табақалаштирилса, 84 яъни уларнинг табиий иқлим ва бошқа шароитларини ҳисобга олинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2. Агросаноат мажмуи тармоқлари субъектларини молиявий маблағлар билан тўлиқ таъминлаш мақсадида уларга бериладиган бошланғич сармояни шакллантиришга тарқатиладиган кредит ресурслари миқдорини кўтариш зарур. Шу билан бирга мижозларга бошланғич сармоя миқдорини қисқа минимал иш ҳақи миқдорига қараб эмас, балки аниқ бир эркин алмашадиган батқарор валютага асосланиб белгиланса ва унинг миқдорини микрокредит миқдорига тенглаштирилса, банк кредитларига бўлган рақобат яна ошар еди. Бу эса ўз навбатида банкларнинг қизиқишини кўтарилишга олиб келган бўлар еди.

3. Фермер хўжаликлари билан тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва маҳсулотни қайта ишловчи корхоналар ўртасидаги шартномавий муносабатларни такомиллаштириш, томонлар мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлашга эришиш;

4. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун тўловларни ўз вақтида амалга оширилишини ва ушбу маблағлардан фермерларни эркин фойдаланишини таъминлаш асосида қишлоқ хўжалик корхоналари ва уларга хизмат кўрсатувчи тармоқларни молиявий-иқтисодий ҳолатини яхшилашни рағбатлантириш.

Ушбу муаммоларнинг ҳал этилиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи барча тузулмаларни молиявий аҳволини яхшиланишига, ҳар бир субъектнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
--------------------	---

I БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ КЛАСТЕРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Агросаноат мажмуаси кластерларининг иқтисодий мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари	6
1.2. Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида агросаноат мажмуаси кластерининг фаолияти.....	13
1.3. Қишлоқ хўжалигида агросаноат мажмуаси кластерларини ташкил этиш шакллари.....	19
Биринчи боб бўйича хулоса	26

II БОБ. МАМЛАКАТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ КЛАСТЕРЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ҲОЗИРГИ ДАВР ҲОЛАТИ

2.1. Агросаноат мажмуаси кластерлари фаолиятининг самарадолик кўрсаткичлари натижалари.....	30
2.2. Қишлоқ хўжалигидаги агросаноат мажмуаси кластерлари фаолиятини моделлаштириш натижалари...	45
2.3. Қишлоқ хўжалиги агросаноат мажмуасида мева-сабзовотчилик соҳасида агросаноат кластерларини ташкил этиш ва ривожлантириш йўллари.....	52
Иккинчи боб бўйича хулоса	60

**III БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АГРОСАНОАТ
МАЖМУАСИ КЛАСТЕРЛАРИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШНИНГ ИСТИҚ-БОЛДАГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

3.1. Мамлакат қишлоқ хўжалигида тармоқ кластерлари фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари.....	62
3.2. Агросаноат мажмуаси кластерлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича хорижий давлатлар тажрибаларидан фойдаланиш.....	75
Учинчи боб бўйича хулоса.....	81
ХУЛОСА	83
Фойдаланилган адабиётлар	92

Х.С. АСАТУЛЛАЕВ, З.Г. АЛЛАБЕРГАНОВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
КЛАСТЕР ТИЗИМИ ОРҚАЛИ
АГРОСАНОАТ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Тошкент – «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi» – 2020

Мухаррир:	Ш.Кущербаева
Тех. муҳаррир:	А.Мойдинов
Компютерда саҳифаловчи:	Ш.Мирқосимова

E-mail: tipografiyasnt@mail.ru. Тел: 97-450-11-14, 93-381-22-07.

Босишга рухсат этилди 16.12.2020.

Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Timez Uz» гарнитураси.

Офсет босма усулида босилди.

Шартли босма табағи 6,0. Нашриёт босма табағи 6,25.

Тиражи 100. Буюртма № 40.

**«Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi»
bosmaxonasida chop etildi.
Toshkent sh., Foziltepa kўchasi, 22-«б»уй.**